Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen

# Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan • 2001 yil, 9 fevral, juma № 6 (439) Sotuvda narxi erkin



Неля Анатольевна **САИРОНОВА** Давлат алоқа инспекциясида молиявий санкцияларни ҳисоблаш ва ҳаққонийлигини назорат қилиш билан шуғулланади.

*Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган*

• *Муаммо* • *Мулоҳаза*

## ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Телекоммуникация ривожи давлатнинг иқтисодий, маданий ва ижтимоий даражасига ҳал қилувчи таъсир ўтказади. Республикамиз аҳолисининг 62,7 фоизи қишлоқларда истиқомат қилаётгани ҳисобга олинса, телекоммуникация тармоқлари ва воситаларининг ривожланишига янада жиддий аҳамият бериш зарурлиги маълум бўлади.

Қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат потенциалидан тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарорига асосан 1996-2000 йиллар мобайнида қишлоқ жойларда умумий ҳажми 55,3 минг рақамдан иборат бўлган АТСларни ишга тушириш назарда тутилган эди. Амалда эса 22,5 мингта телефон ўрнатилди, холос. Компания корхоналарида етарли маблағлар бўлмаганлиги сабабли қарор бор-йўғи 40,7 фоизгагина бажарилди.

1996-2000 йилларда ҚТТ ривожига сарфланган умумий маблағлар 168,9 млн. сўм бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилда 53,392 млн. сўмни ташкил қилди. Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси 24,967 млн. сўм маблағ ажратди.

Аҳолининг телекоммуникация хизматларига пул тўлаш қобилияти пастлиги, шунингдек, компания корхоналарининг молиявий имкониятлари чекланганлиги сабабли ҚТТ қувватларидан фойдаланишда асосий эътибор АТСларнинг линия-кабель иншоотларини қишлоқ абонентларининг ҳам шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасига чиқишлари учун мослаштиришга қаратилди.

Мазкур масалалар бўйича корхоналар олдига қўйилган аниқ вазифаларнинг бажарилиши компаниянинг Техник Кенгаши ва Директорлар Кенгашида кўриб чиқилди. Уларни ҳал этиш ва техник базани таъминлаш мақсадида компаниянинг ҳаракати билан қишлоқ АТСлари учун АОНлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган. Бунга эса ихтисослаштирилган лойиҳа конструкторлик бюроси («Пренос») ва Тошкент электротехника алоқа институти жалб қилинди. Натижада АОН билан жиҳозланган қишлоқ АТСларининг ҳажми 103,9 мингдан 143,8 минг рақамгача кўпайди. Худди шунингдек, автоматик халқаро телефон станцияларига (АХТС) чиқиш имкониятлари ҳам 118,6 мингдан 148,8 минг рақамга ортган. 2000 йилнинг охирига келиб рақамли қишлоқ АТСлари ҚТТларнинг 21 фоизини ташкил этди.

Ҳозирги вақтда қишлоқ телефон тармоқларида умумий ҳажми 365,3 минг рақамли 1700 та АТС фаолият кўрсатмоқда. Аммо кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, қишлоқ телефон тармоқларининг ҳозирги ҳолати уларнинг техник жиҳатдан ривожланмаганлиги ва мавжуд қувватдан кам фойдаланилаётганидан дарак беради. ҚТТларда қишлоқ аҳолисининг ҳар 100 кишисига 1,7 телефон тўғри келмоқда. МДҲ давлатлари бўйича бу кўрсаткич ҳар 100 кишига 6,5 ни ташкил этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси МДҲ давлатлари орасида тўққизинчи ўринда турибди. Республикамиздаги телефонлаштирилмаган аҳоли пунктлари эса асосан тоғли ва узоқ чўл ҳудудларидадир.

ҚТТларининг ривожланиши аҳоли ҳамда хўжалик субъектлари эҳтиёжларини қаноатлантирмаётир. Уни ривожлантириш учун эса катта капитал маблағлар зарур. Компаниянинг молиявий аҳволи мураккаб эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, бу ишларни амалга оширишнинг энг кам харажатли йўлларини излаб топиш зарурлиги ойдинлашади. Корхонамизнинг қишлоқ жойларда телекоммуникация хизматлари маркази (ҚТХМ)ни ташкил этиш тўғрисидаги қарорини ана шу мақсад йўлидаги қадамлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Унга кўра республиканинг телефонлаштирилмаган ҳар бир аҳоли пунктида ҚТХМни ташкил қилиш ишини 2003 йилгача якунлаш кўзда тутилган.

ҚТТ ривожланишининг

***(Давоми 2-бетда.)***

## КУЧ БИРЛИКДА

***Президентимиз Ислом Каримовнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан бўлган учрашувда қилган маърузаси жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинди. Маърузага бағишлаб жойларда ёшлар иштирокида йиғилишлар, муҳокамалар ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Тошкент Алоқа коллежида бўлди.***

***Тадбирда қатнашган коллеж талабалари шундай фикр-мулоҳазалар билан чиқишди:***

**Дилфуза ЭШБОЛТАЕВА. Почта алоқаси бўлими 3-курс талабаси:**

— Мен Президентимиз Ислом Каримовнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳининг йиғилишида сўзлаган нутқларини зўр иштиёқ билан тингладим ва ёшлар ҳаракати олдига қўйилган вазифаларни бизларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг давоми сифатида қабул қилдим.

Ёшлар ҳаракати қандай бўлиши керак? Назаримда, ушбу ҳаракатнинг ҳар бир аъзоси биринчи навбатда маънавий етук, мағрур бўлиши, тенгдошларига ҳар томонлама намуна бўла олиши шарт деб ўйлайман.

**Жасур АҲМЕДОВ. Маиший жиҳозларга хизмат кўрсатиш бўлими 2-курс талабаси:**

— Биз — ёшлар аввало ўзимизга «ватанимизнинг порлоқ келажаги йўлида мен шахсан қандай улуш қўшдим ва яна нималар қилишим керак?» деган саволни беришимиз, «Камолот» даги ўз ўрнимиз ва вазифаларимизни аниқ белгилаб олишимиз керак. Ёшлар ҳаракатининг доимо ҳаракатда, изланишда бўлишини истар эдим.

**Азиз САМАДОВ. Туман электр алоқаси бўлими 3-курс талабаси:**

— Президентимиз ўз маърузаларида «Камолот» жамғармаси муайян ишларни амалга оширган бўлсада, у ўз олдида турган асосий вазифаларини талаб даражасида эплай олмаганлигини очиқ-ойдин айтдилар. Тўғриси, бизнинг коллежимизда ҳам тузилган «Камолот» жамғармаси шахобчасининг иши мени қониқтиради деб айтолмайман.

Улар ўз фаолиятини кўпроқ мафкуравий йўналишда юритиб келди. Ваҳоланки ёшларнинг ижтимоий муҳофазаси ҳам долзарб масала эканлиги сир эмаску. Хуллас, ёшлар ҳаракатини янги тузилган Низом ва дастурлар асосида қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

***Ўз мухбиримиз***

Навоий вилоятида алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг навбатдан ташқари кенгаши бўлиб ўтди.

## ЯНГИ ЕТАКЧИ САЙЛАНДИ

Қўмитанинг янги раиси этиб «Навоий Телеком» акциядорлик жамиятида етакчи муҳандис вазифасида ишлаб келган Ж. Саматова сайланди.

Кенгашда республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг раиси Т. Назаржонов иштирок этди ва маъруза қилди.

***Олим ХЎЖАЕВ, Навоий вилояти***

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР**

• Матбуотда «Она ва бола» давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

**• Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган бадиий-маърифий кеча бўлиб ўтди.**

• Россия Президенти Узоқ Шарқ ўлкасидаги энергетика инқирозида ўлка маъмурияти ва шу тармоқ вазирлиги ҳамда РАО «ЕЭС Россия» ширкатини кескин танқид қилди.

**• Индонезия Президенти Абдураҳмон Воҳид парламент ва аҳолининг ҳар қанча тазйиқига қарамасдан истеъфо бермаслигини маълум қилди. Унинг фикрича, халқ вакиллари кенгашининг (парламент) айбномасида далиллар етарли эмас.**

• Аугусто Пиночетнинг адвокатлари унинг устидан суд жараёнини тўхтатиш ва уй қамоғини бекор қилиш талаби билан Сантяго шаҳар судига апелляция жўнатди. Айни пайтда А. Пиночетга нисбатан 214 даъво қўзғатилган бўлса-да, адвокатлар шифокорларнинг яқинда ўтказилган текширишлар хулосасига асосланиб, уни жазога тортилишдан сақлаб қолишга уринишяпти.

«ХАБАР»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

*• Муаммо • Мулоҳаза*

# ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

*(Боши 1-бетда.)*

жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қўшимча молиявий манбаларсиз ва давлат томонидан қўллаб-қувватланмасдан туриб қишлоқ телефон тармоғини ривожлантиришда туб ўзгаришлар қилиш қийин.

Мавжуд иқтисодий шароитларда қишлоқ алоқа хизмати катта маблағ талаб этишини юқорида ҳам таъкидлаб ўтдик. ҚТТ фаолиятидаги чиқимларни тўлдириш учун эса бюджет маблағлари, шунингдек, Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (ПТРДТҚҚЖ) маблағларидан фойдаланиш зарур. Қишлоқ иқтисодиётини яхшиловчи ва даромадлар ўсишини таъминловчи қўшимча хизмат турларини мувофиқ тарзда жорий этилиши ҳамда тарифларнинг кўтарилиши ҚТТ фаолиятидан келиб чиқаётган чиқимларни тўлдириш учун бюджетдан ва ПТРДТҚҚЖдан олинадиган қўшимча маблағларнинг камайишига сабаб бўлади. Хизматлар ўз-ўзини қоплай бошлагандан кейин табиий равишда уларга эҳтиёж қолмайди.

Компаниямиз мутахассисларининг фикрича, ҚТТларини қўллаб-қувватлаш учун ПТРДТҚҚЖда маблағ тўплашнинг йўли универсал хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган операторлар даромадларидан улуш ўтказишдир. Булар телекоммуникация соҳасида фаолият кўрсатиш учун операторларга бериладиган лицензия битимлари шартларида кўзда тутилмоғи лозим.

Бундан ташқари, шу операторларга шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар учун ҳисоб-китоб таксаларини ҳам ошириш керак. Бунда агентлик «Ўзбектелеком» АК учун шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизматлари эвазига шу операторлардан тушадиган даромадлар улушини белгилайди. Бу маблағлар эса ҚТТ ривожланишини қўллаб-қувватлашга сарфланади.

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигининг 2000 йилдаги Ҳайъат қарори ва 142-сонли буйруғини амалга ошириш борасида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан телекоммуникация соҳасида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш йўлида маълум ишлар амалга оширилди.

Компания таклифига мувофиқ агентлик томонидан «Почта ва телекоммуникациялар соҳасида шахсий тадбиркорлар фаолиятларини ташкил этиш бўйича таклифлар» ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги Низомда лицензия олишни талаб қилмайдиган кичик тадбиркорлик фаолиятлари белгиланган.

2001 йил режасига кўра тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда, телекоммуникация соҳасининг қуйидаги фаолият турлари бўйича тадбиркорларни кенг жалб қилиш кўзда тутилган:

– Ҳар бир корхона томонидан ишламай турган АТС ҳажмининг 80 дан 200 гача бўлган рақамлари сўзлашув шахобчалари ташкил қилиш йўли билан маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизматлари кўрсатиш учун тадбиркорларга ижарага берилади.

– «Ўзбектелеком» АК корхоналари филиаллари томонидан камида биттадан ишлаб чиқариш корхоналарининг ички телефон тармоғи иншоотлари ижарага берилади. Бу эса компания бўйича камида 200 иншоотни ташкил қилади.

Хуллас, компания ўз олдига қўйган вазифага дадил киришиб, халқимизнинг телефон алоқасига бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш учун белгиланган режалар асосида ҳаракат қилаверади. Янги-янги имкониятлардан унумли фойдаланиш йўлидаги уринишлар эса мақсадга эришиш омилидир.

***А. ЖЎРАБОЕВ,***
***«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бош директори***

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги олдида турган муҳим вазифалардан бири халқимизнинг матбуот нашрларига бўлган эҳтиёжини газета ва журналларга обуна қилиш орқали ёки чакана савдо йўли билан қондиришдан иборатдир. Бу вазифани Агентлик тизимидаги икки компания: «Ўзбекистон почтаси» ДАК ва «Матбуот тарқатувчи» АКлари амалга оширади.

# ОБУНА ЯКУНЛАРИ

Ўтган йилнинг сентябр ойидан то декабр ойи охиригача мутасадди ташкилотлар 2001 йил учун обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга ҳаракат қилдилар.

Маълумотларга қараганда Сирдарё, Андижон, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоят почта корхоналари газеталарга обуна бўйича юқори натижаларга эришдилар.

Аммо журналларга обуна бўлиш республика бўйича ўтган йилга нисбатан бор-йўғи 85,5 фоизни ташкил қилди.

Республикамиз матбуоти ходимлари, яъни журналистлар юртдошларимизни ватанда ва жаҳонда бўлаётган воқеалардан хабардор қилиб бориш учун тинмай меҳнат қилмоқдалар. Биз почта ходимларининг вазифаси эса йил давомида, муттасил обунани давом эттириш, матбуот нашрларини ҳар бир хонадон, ҳар бир корхона ва ташкилот, мактаблар, олий ўқув юртлари, жамоа хўжаликларига ўз вақтида сифатли етиб боришини таъминлашдан иборат.

Почта корхоналарида матбуот нашрларини тарқатиш масаласида ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар бор. Шулардан бири газета ва журналларнинг чакана савдосини изчил тарзда йўлга қўйишдир. Бунинг учун почтамтлар, алоқа бўлимларида зарур шарт-шароитлар яратиб, янги газета ва журналларнинг доимо сотувда бўлишини таъминлаб, мижозлар ишончини қозониш керак.

Мамлакатимизда кечаётган янгиланиш палласида матбуотнинг янгича қиёфа, янгича мазмун касб этиши биз почта ходимларидан халқимизга янада сифатлироқ хизмат кўрсатишни, газета ва журналларни муштарийлар қўлига тезроқ етиб боришини таъминлашни тақозо этади.

***Абдусаттор ОРТИҚОВ,***
***«Ўзбекистон почтаси» ДАК бош директорининг ўринбосари***

# МУҲИМИ – МИЖОЗЛАР ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИШ

Уч йил муқаддам корхонага раҳбар бўлиб келганимда кўрсатилаётган хизматга етарлича маблағ йўқлиги жамоада иқтисодий қийинчиликни туғдирганди. Сифатли хизмат кўрсатиш учун, энг аввало, бу тангликдан чиқиб олиш зарур эди. Биз ушбу имкониятни излай бошладик. Дастлаб кредиторлик қарзларни ундириш мақсадида бир қатор жамоа раҳбарлари ва айрим мижозлар билан яқин мулоқотда бўлдик. Уларга бугунги кунда телефоннинг кундалик турмуш учун жуда зарур эканлигини тушунтирдик. Телефоннинг узлуксиз ишлаб туриши учун унинг хизмат ҳақини ҳам ўз вақтида тўлаб туриш лозимлигини эслатдик. Баъзи мижозлар вақтида хизмат ҳақини тўламаса-да, биз улар билан ҳам яхши муносабатимизни ўзгартмадик. Уларнинг телефонларини узиб қўймадик. Ниҳоят, улар ҳам хатосини англаб инсофга келишди.

Шу тарзда туман алоқа тизими бўйича кредиторлик қарзлари тўла ундириб олинди. Натижада жамоамизнинг молиявий аҳволи мустаҳкамланди. Бир неча ойлаб маош ололмай ишлаётган ходимларда меҳнатга муносабат тубдан ўзгарди. Ҳафсаласизлик ўрнини яна ташаббус, ғайрат ҳисси эгаллади. Чунки иш ҳақи билан боғлиқ муҳим ижтимоий масала ҳал бўлганди-да. Бугун 60 нафардан ортиқ жамоа манфаатдорликни ҳис этган ҳолда ҳамфикр ва ҳамкор бўлиб ишламоқда. Айниқса, кабелчи-пайвандчи Шердон Рустамов, телефон навбатчиси Галя Ханбекова ва цех бошлиғи Очилди Менгниёзовлар касбдошларига ўрнак бўляптилар.

Кишиларда бизга бўлган ишончни қозониш учун қилинаётган ишлардан яна бири телефон хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш ва бу орқали мижозлар сафини кенгайтириб боришдан иборат бўлди. Ҳозир туманда 3 минг 382 та телефон ишлаб турган бўлса, унинг 200 дан ортиғи кейинги уч йилда ўрнатилди. Жумладан, ўтган йили 85 хонадон телефондан фойдалана бошлади. Тумандаги Жўра Хўжамиёров номли ширкат хўжалигига тўғридан-тўғри шаҳарлараро сўзлашувни таъминлайдиган янги ускуна ўрнатилди. Худди шундай имконият «Толли» ширкат хўжалиги меҳнаткашларига ҳам яратилди.

Умуман олганда, янги асрнинг биринчи йили туман аҳолисига телефон хизмати кўрсатишни жаҳон андозаси даражасида йўлга қўйиш имкониятлари яратилди. Гап шундаки, Деновдаги янги рақамли телефон станцияси ҳалқасига Шўрчи алоқа йўли боғлангач, мижозларимиз сони ўз-ўзидан кўпайди. Энди уйдан туриб телефони бор мижозлар дунёнинг исталган манзили билан боғланиш имкониятига эгадирлар. Бундай қулай ва замонавий алоқа хизматидан кимнинг фойдалангиси келмайди, дейсиз?

***Усмон АШУРОВ,***
***«Сурхондарё Телеком» шўъба корхонасининг Шўрчи филиали директори***

# ТУРНИР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Аввал хабар берганимиздек, мини футбол бўйича Республика тармоқлараро биринчилигининг иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Бунда қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Тадбиркор» – «Ўқитувчи» 3:11
«Авиасоз» – «Локомотив» 3:2
«Ёқилғи энергетика мажмуаси» – «Енгил саноат» 9:5
«Алоқа» – «Автомобилчи» 6:1

**Иккинчи тур натижаларидан кейинги ҳолат**

| Жамоалар | Ўйин | Ютуқ | Мағлубият | Дуранг | Тўплар | Очко |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Алоқа» | 2 | 2 | – | – | 11-3(+8) | 6 |
| 2. «Ёқилғи энергетика мажмуаси | 2 | 2 | – | – | 13-7(+6) | 6 |
| 3. «Локомотив» | 2 | 1 | 1 | – | 13-4(+9) | 3 |
| 4. «Ўқитувчи» | 2 | 1 | 1 | – | 13-7(+6) | 3 |
| 5. «Автомобилчи» | 2 | 1 | 1 | – | 8-9(-1) | 3 |
| 6. «Авиасоз» | 2 | 1 | 1 | – | 5-7(-2) | 3 |
| 7. «Тадбиркор» | 2 | – | 2 | – | 6-18(-12) | 0 |
| 8. «Енгил саноат» | 2 | – | 2 | – | 6-20(-14) | 0 |

*• Алоқа матбуот кўзгусида*

# КАШФИЁТЛАР ТАРИХИДАН

Югослав халқининг буюк фарзанди Никола Тесла электротехника ва радиотехника соҳасида самарали изланиб, 800 дан ортиқ ихтиролар ҳамда юзларча кашфиётлар қилди. Таниқли олим А. Попов бир мақоласида «Электр тебранишлар орқали сигналларни узатишда, узатиш ва қабул қилиш станцияларида мачтадан фойдаланиш янгилик эмас, 1893 йилда таниқли электротехник Никола Тесла бунга уриниб кўрди» деб ёзган эди.

Радионинг ихтирочиси Тесла бўлиши ҳам мумкин эди, бироқ у 1895 йилнинг баҳорида ҳал қилувчи тажрибасини ўтказишни режалаштирган бир пайтда тажрибахонаси жойлашган бино ёниб кетади. Ёнғин натижасида ихтирочининг кўп йиллик меҳнатлари самаралари куйиб кул бўлди.

Бу ҳақда унинг ўзи бундай деган эди: «Тажрибахонамда электр ҳодисалари соҳасидаги энг кейинги ютуқлар, масалан, механик осциллятор (электромагнит тўлқин тарқатадиган асбоб), электр билан ёритишнинг янги усули, ахборотни узоқ масофаларга симсиз узатиш усули ва электрнинг табиати соҳасидаги тадқиқотларим йўқ бўлди. Янги тажрибахонада бор кучимни сарф қилиб, уларни қайта тиклашга ҳаракат қиламан».

Шу тариқа у ўз тажрибахонасида сунъий яшин яратишга муваффақ бўлди ва электр энергиясини узоқ масофага симсиз узатиш соҳасидаги изланишларини давом эттирди, янги тажрибалар ўтказди.

***А. АЛИЕВ тайёрлади***

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Хабар» газетаси жамоаси Тошкент шаҳар матбуот тарқатиш уюшмасининг катта йўриқчиси **Ўткир АКБАРОВ**ни 63 ёши билан чин юракдан табриклайди. Унга Аллоҳдан узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида ривож тилайди.

* * *

Азиз Падари бузрукворимиз

**Садриддин ҚАМБАРИДДИН ўғли**

Сизни муборак 65 ёшингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга волидамиз билан биргаликда фарзандларингиз роҳатини кўриб юришингизни дуо қилиб қоламиз.

***Фарзандларингиз***

# ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Ўзбекистон маркаси» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси герби тасвири туширилган стандарт 10 ва 40 сўмлик янги почта маркаларини муомалага чиқарди.

*• Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига*

# МЕРОС ВА МАСЪУЛИЯТ

Буюк бобомиз ҳазрат Алишер Навоийнинг туркий тилдаги илк «Хамса»си нафақат тилимиз ёки адабиётимиз балки бутун маданиятимиз учун катта ҳодиса бўлган эди. Даврлар ўтиши билан бу каби умрбоқий, мукаммал асарлар оддий халқ учун тушунилиши, англанилиши қийин бўла боради. Шу боис ҳам насрий баёнларга эҳтиёж туғилади. Гарчи бунда достонларнинг бадиий-ҳиссий таъсирчанлигидан йироқлашилса-да, сақланиб қолган маъно гўзаллиги ўқувчида асарни асл ҳолида ўқишга иштиёқ уйғотиши мумкин. Шу маънода Алишер Навоий асарларини насрга ўгирган ижодкорлар меҳнати бебаҳодир. XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Хоразмда яшаб, ижод этган шоир Умар Боқий тарафидан насрга ўгирилган «Қиссаи Фарҳоду Ширин», «Китоби Мажнуни Лайли», XIX аср бошларида ижод қилган Мирмаҳдумнинг «Насри» Хамса»и беназири» ҳамда Хислат томонидан 1906 йили чоп эттирилган «Фарҳод ва Ширин» достонининг қисқартирилган насрий баёнлари халқимизнинг маънавий мулки бўлиб қолди.

Бундай насрий баёнлар тошбосмада 1906-1916 йиллар оралиғида қайта-қайта, минглаб нусхада чоп этилди. Улар Осиё мамлакатларида ихлос билан ўқилди. Ўша даврдаги тошбосма асарлар бугун кўпгина давлатларнинг нодир китоблар хазинасида сақланаётгани маълум.

Ушбу насрий баёнлар аввало асар мазмун-моҳиятини тўлалигича сақлаб қолган ҳолда уни содда тилда ўқувчиларга етказишдек хайрли вазифани адо этган бўлса, иккинчи томондан назмда яратилган асарларнинг ижодий ҳолда насрга ўгирилиши халқ насрини ҳам шакллантирди десак хато бўлмайди. Чунки йигирманчи йилларда дунёга келган ўзбек романчилиги мактаби учун ушбу насрий асарлар ҳам ўзига хос босқич бўлган эди.



Кейинчалик Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи муносабати билан «Фарҳод ва Ширин» достони биринчи марта мисрама-мисра насрга ўгирилди. Бу ишни 1940 йили академик шоир Ғафур Ғулом амалга оширган эди. Афсуски, бунда достоннинг ўша давр мафкурасига тўғри келмайдиган саҳифалари тушириб қолдирилган. Шубҳа йўқки, бундай «унутилган» қисмларсиз асар мазмунан яхлитлик ва мукаммаллик касб этмайди. Шунга қарамасдан ўша даврдаги танг вазиятда Навоий ҳазратлари асарини насрга ўгириб, чоп этишнинг ўзи хурсанд бўладиган бир ютуқ эди, албатта. 70-80 йилларга келиб адабиётшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов «Фарҳод ва Ширин» достонининг 1940 йили чоп этилган насрий баёнини қайта ишлаб, икки марта нашр эттирди.

«Хамса» ва «Лисонут — тайр» достонлари 80-йилларнинг охирида узуқ-юлуқ тарзда насрга ўгирилиб, худди ўша тарздаги камчиликлари тузатилмаган ҳолда аслияти билан биргаликда нашр қилинди.

Юртимиз истиқлолга эришгач, қадриятларимиз тикланди. Албатта, Навоий бобомиз бизга қолдириб кетган бебаҳо маънавий меросга ҳам муносабат тубдан ўзгарди. Бугунга келиб ул зотнинг асарлари тўлиқ тадқиқ этилиб, 20 томлик мукаммал асарлар тўплами деярли нашрдан чиқарилди ва ўқувчиларга туҳфа этилди. Истиқлолимиздан олдин нашр этилган асарлардаги нуқсонлар тузатилди.

Навоий асарларининг мукаммал нашрини қўлимизда тутганимиз ҳолда бугун ҳам барибир шу куннинг тилига мосланган насрий баёнга эҳтиёж сезамиз. Келинг, мисол учун «Хамса» достонларидан хоҳлаган бир парчани олайлик:

Биҳамдик фатҳ абвоб ул-маоний,
Насиб эт кўнглума фатҳ ўлмак они.
Кўзумга ул эшик қуфлин падид эт,
Анинг фатҳиға килкимни калид эт,
Очиб ул ганж қуфлин бу калидим,
Насибим айла неки бор умидим.
Нечаким истасам, нақди жавоҳир,
Қаён боқсам кўзимга айла зоҳир...

***(«Фарҳод ва Ширин»дан)***

Ушбу мисраларни ҳозирги оддий ўқувчи эмас, балки олий маълумотли киши ҳам тўлиқ англаб ололмайди.

Бундан англашиладики, Навоий биздан эмас, биз Навоийдан йироқлашганмиз. Яна ҳазрат Навоийга қайтмоқ, Навоийни юракдан ҳис қилмоқ, англамоқ авлодлар зиммасидаги бурч бўлиб қолаверади.

***Холмуҳаммад КАРИМОВ***

# ОТА-ОНАНГИЗ РОЗИМИ?

**Имом Насафийдан ривоят қилинишича, фарзанд ота-онаси олдида доимо бурчли ва қарздор. Қуйида шу ҳақдаги ўгитлардан намуналар ўқийсиз.**

## *ТАН БИЛАН ХИЗМАТДА БЎЛИШ*

1. Тану вужудингиз билан ота-она хизматида ҳозиру нозир туринг.
2. Гуноҳ бўлмайдиган ишга буюришса, буйруқларини шу заҳот, сўзсиз бажо келтиринг.
3. Ҳатто ҳажга ёки илм излаб кетаётган бўлсангиз ҳам, уларнинг розилигисиз сафарга чиқманг,
4. Бирор ишни бажаришдан қайтаришса, (агар бу қайтиш гуноҳ бўлмаса) қайтинг.
5. Уларни кўрганда ўрнингиздан туринг ва ўлтирганларидан кейингина ўлтиринг.
6. Ота-она билан кўчада кетаётганда олдинга ўтиб кетмай, бир қадам орқада юринг (фақат лой, музгарчиликда ёки қўриқлаш маъносида олдинда ёки ёнида юришга ижозат берилади).
7. Уларнинг номларини айтиб чақирманг, ҳазил-мазах қилманг.
8. Улар ҳузурида қовоқ солманг, хўмрайиб қараманг.
9. Чақиришса «лаббай» деб, ҳузурларига тез етиб боринг.
10. Улар иш буюришса, эринчоқлик қилманг.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси Мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш бўлими бош мутахассиси Зумрад Қодировага отаси

**Ғулом ҚОДИРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Алоқа коллежи жамоаси коллежнинг собиқ мураббийси,техника фанлари номзоди

**Муҳиддин Нуритдинович БАХТИЁРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

# ҲИКМАТЛАР

Чақимчилик билан одамларни бир-бирига душман этганлар энг ёмон кишилардир.

* * *

Тўрт нарса тўрт нарсага муҳтождир: улуғлик – одобга, хурсандчилик – хотиржамликка, яқинлик – дўстликка, ақл – тажрибага.

* * *

Яхши сўз кўнгилни, яхши хат эса кўзни ёритади.

* * *

Ҳунардан яхшироқ, илмдан улуғроқ нарса йўқ. Шарму ҳаёдан яхшироқ зебу зийнат, бадфеълликдан ёмонроқ душман йўқ.

* * *

Инсоннинг доимий гўзаллиги ва латофати ҳаёдир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди.

* * *

Тўрт нарса – бадфеъллик, бадқовоқлик, такаббурлик ва дилозорлик кишига хорлик келтиради.

* * *

Ёлғон сўзлаш, эзмалик, такаббурлик, чақимчилик кишининг обрўйини йўқотади. Вафодорлик, сабр ва тавозеъ обрўни кўтаради.

*• Бу — қизиқ!*

## ЧОЙ ЮРАК ШИФОКОРИ

Воганинген университети доктори Микоэл Хертог чойнинг инсон вужудига фойдаси борлигини, чойдаги «флаваноид» моддаси қондаги холестеринни зарарсизлантиришини маълум қилди. Кўп миқдордаги «флаваноид» томирларда йиғилувчи туз моддаларини ва ёғларни эритиб, юрак томирларининг ишлашини равонлаштириши, хуллас, юрак касаллигига олиб келувчи сабабларни даъф қилишини исботлаб берди. Олим пиёз ва олмада ҳам «флаваноид» борлигини қайд этди.

## ҒАРОЙИБ МУОЛАЖА

Хитойда бош ва тиш оғриқларига қарши кўп асрлардан бери ажойиб усул қўлланиб келинади. Бош ва кўрсаткич бармоқларнинг орасига укол қилинса бас, оғриқ бир пасда тўхтайди. Игна санчиладиган нуқтани олимлар «хэ-гу» деб аташади. Америкалик олим Мэлзакнинг фикрича, бармоқларнинг худди шу қисми мия билан узвий боғланган экан.

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги**

•

**Бош муҳаррир:**
**Шодмон ОТАБЕК**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.**

**ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.**
**Факс: 136-36-42.**
**ИНДЕКС: 64600**
**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

•

**Таҳририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.**

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

**Буюртма № Г-2139.**
**9353 нусхада чоп этилди.**
**Офсет усулида босилди.**
**Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.**

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.**
**Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6